

Термиз туманида 660 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Термиз тумани “Бунёдкор” маҳалласида умумий лойиҳа қиймати 13,5 миллиард сўм бўлган 660 ўринли янги мактаб ўқув биноси ҳамда 12x24 метр ўлчамдаги спорт зали қурилиб, тўлиқ жиҳозланди ва куни-кеча фойдаланишга топширилди.

Тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринbosари Алишер Хидиров, вилоят прокурорининг ўринbosари Халматжон Куллиев, Термиз тумани ҳокими Шухратжон Уринов ҳамда маҳалла нуронийлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар замонавий типда қурилган ва барча шартшароитларга эга ушбу мактаб шу ерлик болаларнинг тахсил олишига хизмат қилишини таъкидлаб, келгусида ушбу таълим масканини битирган ўқувчилар давлатимиз ва жамиятимиз ривожига муносиб хисса қўшадиган кадрлар бўлиб этишишларига ишонч билдиришди.

Термиз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати